

Россия муслмонлар учун сайёҳлик турлари очади



11:14 / 08.10.2018 2076

Туризм Федерал агентлиги (Ростуризм) Россияда муслмонлар учун маданият мерос объектлари бўйлаб саёҳатларни оммалаштиришни режалаштирмоқда, – деб хабар қилмоқда islamtoday.ru сайти. Агентлик раҳбари Олег Сафоновнинг сўзларига қараганда, "Россия муқаддас қадамжолари" лойиҳаси Россия Федерацияси ҳудудида жойлашган маданий ва диний-маданий мерос объектлари ва обидаларига сайёҳлар эътиборини жалб қилишга йўналтирилган. Унинг таъкидлашича, тарғибот оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади.

“Тўққизта минтақада суратга олиш ишлари якунланди. Ҳозирда диний сайёҳликни ривожлантириш ва ички сайёҳлик оқимларни кучайтиришга хизмат қилишда фаол бўлишимиз лозим. Биз учун мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилишнинг ранг-баранглиги, гўзаллиги ва бошқа жиҳатларини кўрсатиш муҳимдир. Биз православиедан бошладик, лекин бунда Ислом, буддизм ва иудаизм вакиллари билан ҳам худди шундай ишлар амалга ошириш кўзда тутилган”, – деди Олег Сафонов.

Бундан аввалроқ Ростуризм раҳбари муслмон давлатлар кириш туризмни ривожлантириш нуқтаи назаридан Россия учун энг истиқболли

бозорлардан ҳисобланади, деб айтганди.

Ташкилот ҳисоб-китобларига қаранганда, 2017 йилда мамлакатга ислом динига эътиқод қиладиган давлатлардан 9,5 миллион сайёҳ ташриф буюрган.

***Islom.uz* портали таҳририяти**